



Ака-укалари каби, Чигатой отаси Чингизхон билан Хитойга (1211—1215) ва Хоразмшоҳларга (1219—1224) карши ва бошка барча юришларда иштирок этган. Хоразмшоҳлар пойтахти Урганч (хозирги Кўхна Урганч) Чингизхоннинг учта ўгли Жўчи, Чигатой ва Угадей тарафидан 618 хижрий килда камал килинган (27 март—24 апрел 1221 йил). Ушбу йил Бамиан атрофида Чигатойнинг катта ўгли Мутуген халок бўлади. Инд атрофида бўлиб ўтган жангларда хоразмшоҳ шахзодаси Жалолиддин Мангубердини таъкиб килиш Чигатойга топширилади. Чингизхон сўнгги юришини килганда Мўғулистонда колган кўшинга рахбар бўлиб қолади. Унинг ўлимидан сўнг, Чигатой харбий юришларда иштирок этмаган. Ўлимидан сўнг Чингизхоннинг тирик колган ўгилларидан энг каттаси бўлгани учун мўғуллар ичида катта обрў қозонади. 1229 йил амакиси Тэмүгэ билан Чингизхон ўзига валийахд килиб тайинлаган Угэдэйни хон килиб кўтардилар. Конунни яхши билиши ва унга амал килиш борасида у жуда катта ҳокимиятга эга бўлган. Унга хатто мўғулларнинг буюк хоккони Угэдэй ҳам бўйсунган жойлари ҳам бўлган. Ўша вақтларда Чигатой, Мўғулистонда ўз укасининг қароргоҳида бўлган, сўнг Чингизхон унга берган улусдаги қароргоҳига ҳам тез-тез бориб турган.

Чигатой улуси

Барча мўғул хонлари каби, Чигатойнинг ҳам кишлаш ва ёз мавсуми учун ўзининг алоҳида қароргоҳи (ўрдаси) бўлган. Унинг иккита қароргоҳи ҳам Или дарёси атрофида бўлган. Чигатой ўз отасидан шарқдаги уйғурлар еридан қарбдаги Бухоро ва Самарқандгача бўлган ерларни мерос килиб олади. Бирок бу ерлар Илидан бошқарилмаган. Мавх этилган ерларни маҳаллий сулолалардан чиққан, босқинчиларга сотилганлар бошқарган. Мазкур сулолалар билан мўғул ҳукмдорлар ўртасидаги муносабатлар ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Нима бўлганида ҳам Марказий Осиёнинг маданий марказлари Чигатой номидан эмас, балки Буюк хон номидан бошқарилган. 1238—1239 йиллар Бухородаги Махмуд Таробий тарафидан кўтарилган кўзғолон бостирилгани ҳақида ривоятларда Чигатой исми учрамайди. Буюк хон тарафидан Мовароуннаҳр ҳукмдори этиб, келиб

чикиши хоразмлик бўлган Махмуд Ялавоч бўлган. Унинг кароргохи Хўжандда жойлашган эди. Мовароуннахрдаги мўгул кўшинларининг рахбарлари ҳам буюк хон тарафидан тайинланар эди.

Бу орада Чигатой ўзи бошимча Махмуд Ялавочни ишидан олиб ташлаганида, буюк хон акасини жавобгарликка чакириб, хатти-харакатлари конуний эмаслигини тан олдирган. Угэдэй бундан мамнун бўлиб, бу ерларни акасига ўлжа сифатида берган бўлса ҳам хукукий-маъмурий тарафдан ҳеч қандай ўзгариш бўлмаган.

Угэдэйнинг сўнгги йиллари, сўнг эса Мунке даврида ҳам Хитойдан Бухорогача барча ерлар буюк хон номидан Махмуд Ялавочнинг ўгли Масудбек тарафидан бошқарилар эди. Чигатойнинг мусулмон вазири Кутбиддин Хабаши-Амиднинг бу бошқарувга қанчалик алоқаси борлиги ҳам маълум эмас.

Рашиддинга кўра, бу вазир Ўтторлик бўлган, Жамол Каршига кўра, Карманалик бўлган. Хуллас, мўгуллар даврида уларга хизмат қилишга тайёр турган маҳаллий аҳоли, яъни мусулмонлар кўпайишни бошлаган.

Ясак кўрикчиси

Чигатой Исломни ҳушламаган, Ислом душмани бўлган. Исломнинг баъзи амалларига амал қилиб, мўгулларнинг конунини бузганларни қаттиқ жазолаган. Шариатга кўра ҳайвонларни бўйнидан сўйиш мўгулларда одат бўлмаган. Шуни деб, шаърий сўйиш тақиқланган, оқар сувга таҳорат ва гусл мумкин бўлмаган. Чигатой бу учун мусулмонларни шафқатсиз жазолаган. Шунинг учун ҳам уни мусулмонлар ёқтиришмаган. Бу ҳақда шоир Садид Авар: “Кўркиб, сувга тушишга ботина олмаганларга сабаб бўлган одам ўзи (ўлим) уммонига гарк бўлди”, деб ёзган. Унинг мусулмон деб аталган вазирлари ҳам ибодатда бўлмаганлиги айтилади. Айтилишича, Чигатойнинг буйруғи бўйича шайх Абу Якуб Юсуф Саккокий қатл қилинган. Исломга бўлган нафрати туфайли Чигатой “насронийларнинг дўсти” дея ном қозongan. Марко Полонинг хабар беришича, Чигатой чўкинтирилганмиш, аммо бу бошқа манбаларда ўз тасдиғини топмаган.

Мероси

Чигатой ўзининг укаси Угэдэйдан сўнг бир неча ой яшаган. Яъни у 1241 йиллар вафот қилди. Вафотидан сўнг унинг қелиб қиқиши хитойлик бўлган вазири ва саройда хизмат қилувчи мусулмон табиб Маждиддин ҳам қатл қилинган. Уларнинг айби, ўз ҳукмдорининг ҳаётини саклаб қола олмагани экан.

Чингизхоннинг ҳамма ўғилларидан Чигатойнинг исми сулоласи ва сулола бошқарган давлат номини олган. Мовароуннахрнинг туркий ва турклашган кўчманчилари XV асрда Чигатойдан бошланадиган авлодлари қолмаган бўлса ҳам ўзларини чигатойликлар деб

атаб келишган. XIV аср жалойир, барлас, кавчин, арлат, кўнгирот, мангит ва Чигатой улусида таркалган бошка кабилалар ўзларини чигатойликлар деб аташган. Бу кўчманчи кабилалар аста-секин маҳалий аҳоли билан чатишиб, ўртоклашиб борган. XV асрда “Чигатой” сўзи кенгрок маънода қўллана бошлаган. Бу сўз билан нафакат мўғуллар даврида келган кабилаларга нисбатан, балки Мовароуннахрнинг туркий аҳолисига нисбатан ҳам қўллана бошлади. Темурийлар даврида ҳам Марказий Осиёда шаклланган адабий тилга ҳам қўллана бошлади (Мустамлака даври олимлари Алишер Навоийни «Чигатой адабиётининг вакили» деб атайдилар, унинг тилини «Чигатой тили» дейдилар. Холбуки, Навоий ўз она тилини ва туркий тилли халқини «Мухокамат ул-лугатайн» асарида канчалик ватанпарварлик билан химоя қилганини бошқалар билмасам, бу олимлар яхши билишарди. Чингизхоннинг ўғли Чигатой золим ва босқинчи шахс сифатида дунёга маълум эди. Шунга карамай, Темурийлар давридаги ўзбек тилини «Чигатой тили» деб атаганлар, Навоийдек дахони «Чигатой адабиёти»га мансуб қилиб кўрсатганлари мустамлакачилик мафкурасига қандай хизмат қилганлиги маълум).

Интернет маълумотлари асосида
Абу Муслим тайёрлади